



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
23 март
ЧОРШАНБА
№ 23
(12.347)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТДА НАВРЎ ТАНАЛАРИ



Бугун она дийримида ардоқли айём — Наврўз байрами шукуҳи кезмоқда. Наврўз мустақил дийримида ўз қадр-қимматини янгидан топган, маънавий ҳаётимида тобора катта ўрнни тутиб бораётган, халқимиз тарихи ва маданиятини ўзида ёрқин акс эттирган кўҳна ва боқий байрамдир. Аждодларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик, саховат ва мурувват ифодаси сифатида нишонлаб келганлар.




ЭНГ ҚАДИМИЙ, АСЛ МИЛЛИЙ АЙЁМ ШУКУҲИ

Наврўз замирида халқимизнинг узок ўтмиши, миллий қадриятлари, маънавияти, асрий анъана ва урф-одатлари мужассам. Муҳтарам Юртбошимизнинг кунги кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидланганидек, Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамохан бўлган ўлмас шарқона қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, саклаб келаёт-

ган халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди. Халқимиз бу байрамни ҳамиша кўтаринки кайфиятда, муносиб тадорик билан қарши олишга одатланган. Бутун борлиққа тириклик ва гўзаллик, яшариш ва бунёдкорлик олиб келувчи Наврўз бу сафар мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашиб келаётган бир пайтда ўзгача шоду хуррамлик билан нишонланаётгани бежиз эмас. Шу боис бу байрам вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқ-

ларида жуда катта тайёргарлик билан қарши олинди. Бинобарин, йил бошидан вилоятимизда кенг кўламада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари бошлаб юборилди, ҳар гўшада янгиликаниш, бунёдкорлик нафаси ҳукмрон. Айтайлик, Чирчиқ шаҳрида бутунлай қайта таъмирланиб, янгича кўрк ва тароват касб этган очиқ майдон, Чиноз туманидаги 40 ўринли замонавий меҳмонхона, Юқори-чирчиқ туманидаги қурилиш материалла-

ри ишлаб чиқарувчи "Алиф Гранд", "Жаҳонгир-Жавохир давр", Қибрай туманидаги болалар озукаси, салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи янги цехлар, Қуйчириқ туманидаги қоғоз-картон тайёрловчи корхона ва бошқа кўплаб янги гузар ва хиёбонлар, савдо, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари аҳолига чинакам байрам тухфаси бўлиш баробарида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасига кўрк бўлди. (Давоми 2-бетда).



Вилоят ҳаёти
ПАРКЕНТ ТУМАНИ
КЎКЛАМ САХОВАТИ
Наврўз байрами муносабати билан Паркент туман ҳокимлигида "Меҳр-шафқат" хайрия маррафони бўлиб ўтди. "Матлубот инвест", Халқ банки туман бўлими, тадбиркор, фермер, шунингдек, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кам таъминланган оилаларга сигир ва қўй-эчкилар ҳада этишди.
Бундан ташқари, шундай оилаларга ҳомиёлар ажратган 3 миллион 600 минг сўм маблағ ҳисобидан табиий газ, электр қуввати учун коммунал тўловлар тўланди. 1 миллион 527 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари совға қилинди.
Тўйчи ДЎСМАТОВ.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ
БЕШИКАСТ ИШЛАШНИНГ ЎЗ ИЛМИ БОР
Янгийўл пахта тозалаш корхонасида ўтган ўқув машғулотига меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги масалаларига оид муаммолар ва уларни баргараф этиш омиллари ҳақида сўз борди.
Семинар иштирокчилари раҳбар, мутахассис ва касаба кўмиталари раислари меҳнат муҳофазасини ташкил этишнинг аҳамияти ва унинг аҳоли, меҳнат муҳофазаси қонунчилигининг асослари, "Тошкентпахтасаноат" бирлашмаси корхоналарида техника хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши ҳамда меҳнат муҳофазаси хизматини тақомиллаштириш масалалари юзасидан фикрлашиб олишди. Машғулотда мутахассислар ва касаба фаолларининг ҳамкорлиги муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.
Жўрабек МУРОДОВ.

ЎРТАЧИРЧИК ТУМАНИ
МИЛЛАТ СОҒЛОМЛИГИ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ
Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали ташаббуси билан тумандаги 6 та касб-ҳунар коллежи, 4 та маҳалла ва 43 та умумтаълим мактабларида соғломлаштириш ҳафталиги самарали ўтди.
Ҳафталикда 3 мингга яқин аҳоли иштирок этди. Унда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, ОИТС каби хавфли касалликларнинг олдини олишга оид тушунтириш ишлари олиб борилди.
Соғломлаштириш ҳафталиги Бўка туманидаги 7 та касб-ҳунар коллежи, 13 маҳалла ва 21 та мактабда ҳам ўтказилди.
Ирода МАКСУД қизи.

2011
йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси —
205.

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида бир қатор муҳим қонунлар маъқулланди. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларда ногиронларга нафақа тайинлашга оид бир қатор янгиликлар кўзда тутилган.
НОГИРОНЛАРГА ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Республика Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ногиронлик пенсияси олаётган III гуруҳ ногиронлари 112 минг 600 киши ёки ногиронлар умумий сонининг 19,9 фоизига тенг. Уларнинг аксарияти иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритмоқда. Кўп ҳолларда арзимоган нуқсонга эга шахслар ҳам осонлик билан ногиронликка чиқишмоқда, бу эса пенсия миқдорининг сўнгги 5 йилда 5,6 баравар ўсганлиги боис ногиронларнинг тўлақонли тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитациядан манфаатдорлигини пасайтирмоқ-

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!
ХИЗМАТИНГДА ТУРАЙИН, ЮРТИМ
Чиноз туманилик Иномжон, Маҳбубахон Топволдиевлар оиласи баҳор айёмини қўшалоқ шодликлари билан қутиб олишди. Севикли фарзандлари Умиджон ҳарбий хизматни ўтаб, ота-онаси бағрига қайтди.
Бир пайтлар "ҳарбий хизмат" иборасини йиғитлар, ота-оналар ҳадик билан тилга олишса, мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этган Ватан ҳимояси, ҳарбий хизмат тушунчаси одамларга фахр, гурур туйғусини бахш этди. Энди Ватан ҳимоясига отланган йиғитлар ҳар томонлама саводхон, баркамол, бақувват бўлиши шарт. Шунинг учун синовлардан муваффақиятли ўтган ҳар бир йиғит муносиб фарзанд, Ватан ҳимоячиси сифатида ҳурмат-эътиборга сазовор. Умиджон Мухторов ҳам дастлаб Тошкент Темир йўл муҳандислар иқтисодиёт академик лицейида, кейинчалик Қашқадарёдаги ҳарбий қисмда намунали ўқувчи, ибратли аскар сифатида ҳурмат ва ишончга сазовор бўлди.
— Ҳарбий хизмат мен учун катта ҳаёт мактабининг ўтади, — дейди Умиджон. — У ерда ҳарбий машғулотлардан ташқари, турли адабиётларга бой каттагина кутубхонада ўз билимимни кенгайтирдим, мустаҳкамладим. Натижада, 60 та тест саволларининг 51 тасига тўғри жавоб беролдим. Олий ўқув юртига кириш учун олган тавсияномамни кўриб, ота-онам жуда хурсанд бўлишди. Энди, отам касбинини эгаллашдек эзгу орзуим ушаладиган бўлди. Тошкент Темир йўл муҳандислар институтига кириш учун тайёргарликни ҳозирламоқчиман.
Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



СУРАТДА: Чиноз туман мудофаа ишлари бўлим бошлиғи ўринбосари Баҳром Жамолов, Умиджон Мухторов, онаси Маҳбуба, синглиси Мадинахон. Даврон АҲМАД олган сурат.

